

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**854 Маҳалла институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармони билан тасдиқланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурининг 14-бандига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари учун дам олиш маскани ташкил этиш ҳамда давлат мулки объектларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «ШАРҚ» нашриёти матбаа акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг, «ШАРҚ» нашриёти матбаа акциядорлик компанияси фойдаланишида бўлган Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Байтқўрғон» ҚФЙ ҳудудида жойлашган «Навбахор» санаторийси дам олиш масканини тегишли ҳудуди билан биргаликда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. «ШАРҚ» нашриёти матбаа акциядорлик компанияси мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган мулкый мажмуани тегишли ҳудуди билан биргаликда белгиланган тартибда топширсин, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви қабул қилиб олсин ва қабул қилинган объектдан самарали фойдаланиш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувида берилган мулкый мажмуани таъмирлаш ишлари Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондига умумхалқ хайрия ҳашаридан тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларини самарали бошқаришни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 17 майдаги 291-сон қарорига 1-илованинг 81-позицияси чиқариб ташлансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 11 август,
620-сон